

Роббинг билан зикринг ила ҳамсуҳбат бўл!



09:51 / 12.05.2022 3588

Шайх Шинқитий ўғлига деди: «Эй фарзандим, Қуръонни доим такрорлаб тур, уни унутиб қўйма. Сенинг олдинда дунё байрамларига ўхшамаган, Қиёмат кунидаги икром зиёфати турибди. Унда хато қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлгин, чунки сенга: «Ўқи ва кўтарилиб боравер» дейилади.

«Уламолар билан ақлингга кўра, амирлар билан илмингга кўра суҳбатдош бўл. Дўстларинг ила одоб билан, оиланг билан эса меҳринг билан, аҳмоқлар билан ҳилмингга кўра ҳамсуҳбат бўлгин. Роббинг билан зикринг ила ҳамсуҳбат бўл, нафсинг билан бўлса насиҳатинг ила суҳбатдош бўл. Гарчи меҳрибонлигинг учун ер юзида сени тақдирлайдиган, қадрлайдиган ҳеч ким бўлмаса хафа бўлма. Билгинки, самоларда сени муборакбод этувчилар бор. Барча нарса, агар уни иккига бўладиган бўлсанг, камаяди. Илло, саодат, бахтиёрлик ундай эмас. У бошқалар билан бўлишсанггина

кўпайди, ортади».

Манба: *arabic.uz*